

Қўқон полисоними ва унинг вариантлари хусусида

Ҳамидова Камола

Қўқон давлат педагогика институти

мустақил тадқиқотчиси

Мақолада тарихий ва қадимий шаҳар номи – Қўқон полисонимининг тарихий, диалектал вариантлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *топоним, полисоним, вариант, топонимик вариантлилик, адабий вариант, тарихий вариант, диалектал вариант, этимон.*

Топонимлар тарихий, адабий, диалектал ва услубий вариантларга эга. Жумладан, манбаларда Фарғона водийси топонимиясига мансуб ҳозирги *Қува, Ахсикент, Қўқон, Марғилон* ойконимларининг турли вариантлари кузатилади. Биз қуйида *Қўқон* полисоними (юн. polis – шаҳар + опум – ном – шаҳар номи) ва унинг вариантлари хусусида фикр юритмоқчимиз.

Қўқон – Фарғона вилоятидаги шаҳар. Фарғона водийсининг ғарбий қисмида, Сўх дарёсининг қуйи оқимида жойлашган. *Қўқон* топоними тарихий манбаларда X асрлардан бошлаб тилга олинади. Маҳаллий тарихчи ва археологлар орасида шаҳарнинг ёши 2 минг йилдан ортиқ деган тахминлар бор¹.

Қўқон ҳақидаги маълумот X аср араб муаллифларининг географияга оид асарларида ҳам учрайди. Масалан, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Истахрий “Китоб масолик ва-л-мамолик” (“Йўллар ва мамлакатлар”) асарида бундай деб ёзган эди: “Кимки Хўжанддан Фарғонанинг асосий шаҳри бўлган Ахсикетгача боришни истаса, у кенддан Сўхга – битта манзил ва Сўхдан Хувакандгача – битта катта манзил, Хуваканддан Ахсикентгача бир манзил юради...”².

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдли. 11-жилд. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. 205-бет.

² Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып. 1. – М., 1973. С. 21.

Истахрий ва Ибн Ҳавқал асарларида *Ҳавоканд* (*Хўканд*) шаклида “*гўзал*”, “*ёқимли*”, “*шамол шаҳри*” маъноларида учрайди. Муаллифи номаълум “*Худуд ул-олам*” (“Олам чегаралари”) асарида Қўқон полисоними *Ҳавоканд* шаклида зикр этилган: “**Ҳавоканд**, *Риштон*, *Зандаромаш – гавжум шаҳарчалар, экинзорлари кўп*”³. Ҳавоканд – ҳозирги Қўқон шаҳри. Ибн Ҳавқал: “Юқори Насйо – Фарғонага Хўжанд томондан кирганда, унинг биринчи вилоятидир. Унинг шаҳарлари [қуйидагилар]: Вонкат, Сўх, **Хоканд** ва Риштон”⁴.

Қадимги хитой қўлёзмаларида ҳозирги Қўқон полисоними *Хохань*, *Гуйшань*, *Хўхан* тарзида кузатилади.

Венеция савдогари Марко Поло *Қўқон* топониминини *Каркан* тарзида тилга олган, бу ўлка аҳолиси буқоқ касали билан оғришини қайд этган.⁵

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида икки ўринда Қўқон топоними Хўқон шаклида ўрчин сифатида тилга олинган: “...*Сакон навоҳисидин Хўжанд суйини сол била кечиб, Хўқон ўрчини била ўтуб, Қубони бостуриб, Олайлуқ ўрчини била Ўш устуга илғадук*”⁶.

Ўрчин – энг кичик маъмурий бирлик⁷. *Хўқон ўрчини* – Фарғона водийсининг ғарбида, ҳозирги Қўқон шаҳри ўрнидаги мавзе. Буюк Ипак йўлидаги манзиллардан бири бўлган. Чингизхон қўшини томонидан вайрон қилиниб ўрнида кичик аҳоли маскани сақланиб қолган. “Бобурнома”да *навоҳий* (туман) деб аталган. XVIII асрга келиб шаҳар қад кўтарган ва шу даврда асос солинган Қўқон хонлигига пойтахт қилиб танланган⁸.

Демак, ҳозирги Қўқон полисоними *Хоканд*, *Ҳавоканд*, *Хохань*, *Хўканд*, *Хўқанд* каби тарихий вариантларга эга.

1908-1915 йиллар давомида “Туркистон вилояти газети”да босилган, кейинчалик 1915 йилда Россия империяси томонидан Тошкентнинг босиб оли

³ Ҳудуд ул-олам. Тошкент: O'zbekiston, 2008. 16-бет.

⁴ Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард. Мовароуннаҳр / араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ш.С. Камолиддин. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. 80-бет.

⁵ Марко Поло. Путешествие в 1286 году по татарии и другим странам Востока. СПб, 1873. С. 49.

⁶ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Шарқ, 2002. 91-бет.

⁷ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Тошкент: Sharq, 2014. 603-бет.

⁸ Ўша энциклопедияси.. 555-бет.

нишининг 50 йиллиги муносабати алоҳида китоб ҳолида Туркистон генерал-губернатори ҳарбий округи босмохонасида чоп этилган Мирзо Олим Махдум ҳожининг “Тарихи Туркистон” асарида ҳам полисонимнинг тарихий варианты қўлланган: *“Фарғона вилоятида таворихларда маълум ва машҳур Андижон ва Ўзганд ва Аҳси қадимги ва эски шаҳар бўлуб, чизатой ва ўзбек хонларига пойтахт эканлиги билинадур, лекин ҳуди Хўқанд шаҳрининг энг аввалги биноси 300 йилдан зиёд бўлган эмас”*⁹. Асарнинг 1915 йилдан кейин ёзилган иккинчи қисмида ҳам Хўқанд варианты қўлланган: *“Унинг асрида Хўқандда Умархон ҳукмрон бўлуб, кўп фозил ва шуароларни йиғиб, мажмуъ аш шуаро(дин) мажлис ташкил этган эди”*¹⁰.

Бизнинг давримизгача шаҳар номининг келиб чиқиши ҳақида анча ривоятлар сақланиб қолган. Улардан бирида шаҳарнинг номи Хуккан (тўнғиз, хуклар манзили, қароргоҳи, тўнғизлар яшайдиган жой) сўзидан келиб чиққанлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Шаҳар барпо бўлмасдан олдин бу жой ботқоқлик бўлган, бу ерда кўп тўнғиз (хук)лар яшагани учун уни “Хук кан”, яъни “тўнғизлар макони, тўнғизлар жойи” деб атаганлар. Шаҳарни қуришда ботқоқлик қуритилган, тўнғизлар эса қириб ташланган. Бу ҳақида тарихий асарларда ҳам маълумот берилади. Чунончи, Исҳоқхон Ибратнинг “Тарихи Фарғона” асарида: “Важҳи тасмийи Хўқанд будирки, ҳавоқин Хўқанддан ул шаҳар бўлмаган вақтда Хўқанд ўрни тўқай ва қамушзор ерлар бўлуб, ул вақтда Чодак хожалари – тожиклар сўрар эканлар. Ул вақтда бул тўқайларда ҳар хил хўклар, тўнғузлар юрар экан. Алар ерларни ковлаб, ҳар хил овқат топиб ер эканлар, бу жиҳатдан тожик хожалар келганда неча ерлар ковлаган экан. Алар бу чуқурлар нима, деган. Ким ковлаган деганда, тожик жавоб бериб: “Хўк канд” деганда, яъни тўнғуз ковлаган деганда ул ерларни(нг) исми “Хўк канд” бўлуб, хўк канд айтмоқда қийин бўлиб, бизни(нг) туркийда “қоф” ҳарфи қавий учун Хўқанд бўлган, форсий “қоф”ни туркий “қоф”га бадал қилганлар, туркийлар лафзидур. Мана, энди, яна бир бадал бўлди, русча айтмоқда “қоф”

⁹ Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон. Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. 43-бет.

¹⁰ Қўрсатилган асар. 177-бет.

йўқ – “Кўканд” бўлди. Шунга ўхшаш ҳар вақтда, ҳар қабила лисонлари билан табодил ўлуб, шевалари ўзгарган. Муни баъзи хўқандий яхши таъвил ила Хуйи канд дерлар, яъни феъли-хуйи канд дегани эмиш”¹¹. Демак, халқ ривоятларига кўра, унинг номи хук “тўнғиз” ва канд “шаҳар” сўзларидан ясалган¹².

Бошқа ривоятларга караганда, шаҳарнинг номи Ҳавокент (шамоллар шахри) сўзидан келиб чиққан. Шаҳар қурилган пайтда истиқомат қилувчилар (афсуски, қайси қабилалиги айтилмайди) бу орада шамолнинг тез-тез бўлишини, поялар, дарахт таналарининг доимий кучли шамоллар таъсирида бир томонга эгилганлигини таъкидлашади. Ёши улғайиб, кексайиб қолган одамлар, агар шамол кўп вақт мобайнида йўқ бўлса, улар ўзларини ёмон ҳис қилганликларини, нафас олиш қийин бўлганлигини, юраклари санчганини эслайдилар. Шунинг учун шаҳар Ҳавокент (*шамоллар шахри, тез-тез ҳавони ўзгартирувчи, иқлимни салқин қилувчи, баҳри дилни очадиган, соф бўлишини таъминловчи маъносида*) деб аташган¹³.

А.Муҳаммаджонов талқинича, Қўқон топоними **ху(р)** – “қуёш” ёки **ху(ш)** – “яхши”, “ёқимли” ва канд / қанд – “шаҳар” сўзларидан ясалган¹⁴.

В.В. Бартольд шаҳар номининг адабий жиҳатдан тўғри шакли *Хўқанд* бўлиб, *Қўқон* жонли тилда талаффуз этилишидир, деб ҳисоблайди¹⁵.

Ўзбек тилининг қипчоқ шеваларида х ундош фонемасининг қ ундошига ўтиш ҳоллари мавжуд: *халқ* – *қалқ*, *хин* – *қын*, *хотин* – *қатын* каби¹⁶. Шунингдек, бунинг акси – қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида қ ундош товушининг х ундошига ўтиши, яъни аспирация ҳодисаси ҳам кенг тарқалган: *чиқди* – *чъхтъ*, *сақлаш* – *сәхлаш*, *балиқ* – *бәлъх* каби¹⁷. Полисонимнинг юқоридаги диалектал вариантлари ана шу фонетик хусусият маҳсулидир.

Хўқанд, *Хўқанди латиф* – Қўқон шаҳрининг тарихий номи. *Хўқанд* (Ҳавоканд) номи “гўзал”, “ёқимли”, “шамол шахри”, “баланд шаҳар”

¹¹Исҳоқхон Иброт. Тарихи Фарғона. Тошкент: Маънавият, 2005. 7-бет.

¹² Бартольд В.В. Коканд // Сочинения в 9 томах. М., 1965. С. 462-466.

¹³Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. Тошкент: Фан, 1996. 8-бет.

¹⁴ Мухамеджанов А.Р. К этимологии топонимов “Куканд” и “Хужанд” // Общественные науки в Узбекистане, 1987. №7. С. 65-67.

¹⁵ Бартольд В.В. Қўрсатилган асар ва бетлар.

¹⁶ Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. Тошкент: Ўқитувчи, 1996. 131-бетлар; Ўзбек диалектологиясидан материаллар. I т. Тошкент, 1957. 350-бет.

¹⁷Ражабов Н. Ўша китоб, 132-бет.

маъноларини билдириши ёзма манбаларда қайд этилган. Ҳозирда бу номлар шеърӣй матнларда юқори поэтик услубни яратишда восита бўлган.

*Бу қадим шаҳарлар сири яширин,
Бу сўнгги аркларнинг димоғи баланд.
Мен ҳам тутмоқчиман юрагим қўрин,
Шоирлар руҳидан мадад бер, Хўқанд!*

(О.Суюндиқова. Фарғона сафари)

*Бу Хўқанди латиф. Лол очун... (Э.Сиддиқова. Қўқон)*¹⁸.

Ҳамза Ҳакимзоданинг 1918 йилги мактубларида ҳам полисоним *Хўқанд* вариантида кузатилади: “... Қори акага учраб, шул куни оқшом *Хўқанд* чуқуб шанба кун *Хўқанд* келдим...”¹⁹.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, Қўқон полисонимининг *Хуваканд*, *Хуккан*, *Хуйқанд*, *Хуқанд*, *Хўқанд*, *Хўқанд*, *Ҳавокент*, *Ҳавоқанд* каби вариантлари бўлган. Ҳозирда полисонимнинг мазкур вариантларидан *Хўқанд* – таррихий ва услубий вариант сифатида тарихий, бадий асарларида, *Қўқон* варианти адабий тилда, расмий нутқда фаол, *Хўқанди латиф* варианти эса бадий услубда қўлланади.

¹⁸Худойберганава Д., Анданиязова Д. Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: Turon zamin ziyo, 2016. 129-бет.

¹⁹ Мўминов Ғ. Ҳамза биографиясининг янг саҳифалари. Тошкент: Ўзбекистон, 1989. 11-бет.